**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING**

# BUYRUGI

20 17 yil “31” 03 № 127

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ-2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган чора–тадбирлар Дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирликнинг барча таркибий тузилмалари бошлиқлари мазкур буйруқ иловаси билан тасдиқланган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифаларни тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича масъул этиб белгилансинлар.

4. Белгилансинки:

ҚВПлар сони 2 985 тадан 1 612 тагача мақбуллаштирилиб, қисқартириладиган 793 та ҚВПлар негизида кундузги стационари мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ташкил этилади;

ташкил этиладиган қишлоқ оилавий поликлиникаларининг ҳудудларида аҳоли учун арзон ва сифатли дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар сотувини йўлга қўядиган “Дори-дармон” АК тизимининг дорихоналари жойлаштирилади;

006896

ўз фаолиятини тугатаётган 441 та ҚВПлар негизида тез тиббий ёрдам хизмати янги подстанциялари ташкил этилиб, 658 та ҚВП бинолари ҚВП ва поликлиника шифокорлари учун хизмат уй-жойи сифатида фойдаланишга топширилади;

ҚВПларининг юридик шахс мақоми тугатилиб, уларга молиявий-бухгалтерлик хизмати кўрсатиш тегишли туман тиббиёт бирлашмалари зиммасига юкланади, улар ҚВПларнинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланади;

республикадаги туман/шаҳар кўп тармоқли поликлиникалари, оилавий поликлиникалар ва ҚВПлар ҳар куни 8:00 дан 20:00 гача фаолият кўрсатади;

ушбу қарорда кўзда тутилган чора-тадбирларни бажариш амалдаги ходимлар штат бирлиги ва ҚВПларини таъминлаш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилади;

ҚВПлар тармоғини мақбуллаштириш натижасида бўшайдиган маблағлар қишлоқ оилавий поликлиникалари ва врачлик пунктлари тиббиёт ходимларини рағбатлантириш, шунингдек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари ва тиббий буюмлар, реагентлар, сарфлов материаллари ва транспорт воситалари билан таъминланиш даражасини яхшилашга йўналтирилади.

5. Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш (Ф.Шарипов), Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш (Ё.Файзуллаев), Моддий-техника базасини ривожлантириш (Б.Т.Эргашев) бош бошқармалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари билан биргаликда бир ой муддатда тугатилаётган ҚВПлар томонидан илгари хизмат кўрсатилган аҳолини мақбул жойлашган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига бириктириш чора-тадбирларини белгилансин, бунда алоҳида эътибор қуйидагиларга қаратилсин:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти самарадорлигини янада ошириш бўйича кўрилаётган чоралар ҳақида аҳолини хабардор қилиш;

қайта бириктирилаётган аҳоли учун малакали тиббий ёрдамни ташкил этиш;

тугатилаётган ҚВПларнинг тиббий асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкининг сақланиши, ўтказиб берилиши ва самарали фойдаланилишини таъминлаш;

мақбуллаштирилиши натижасида бўшайдиган ҚВПлар ходимларини иш билан таъминлаш;

соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларини қўшимча бириктириладиган аҳоли сонини ҳисобга олган ҳолда ўз вақтида молиялаштириш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига:

халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари сессияларида кўриб чиқилиб, туман хокимликлари томонидан тасдиқланган ҚВПларини мақбуллаштириш юзасидан тайёрланган таклифларни 1 хафта муддатда вазирликка тақдим қилиш;

2017 йил 1 майдан бошлаб янги ташкил қилинган қишлоқ оилавий поликлиникалар, ҚВПлар, тез тиббий ёрдам шахобчаларининг белгиланган тартибдаги фаолиятини таъминлаш;

ҚВПларда ўтказилган инвентаризация натижаларига асосланиб 5 кун муддатда мавжуд асбоб-ускуналарнинг ҳолати ва улардан кейинчалик самарали фойдаланиш ҳамда ҚВП, қишлоқ оилавий поликлиникаларини умумий амалиёт шифокорлари ва тор соҳа мутахассислари билан таъминлаш ва шифокорларни қайта тайёрлаш юзасидан асосланган таклифларни вазирликка киритиш;

фертил ёшидаги ва ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек ўзгалар ёрдами ва ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликка чалинган ва бошқа шахслар ўртасида патронаж ишларини мунтазам олиб боришни ташкил этиш;

ҚВП ва поликлиникалар шифокорларини уй-жой ва транспорт воситалари билан таъминлаш бўйича чоралар кўриш вазифалари юклатилади.

7. Вазирликнинг Иқтисодиёт, молиялаштириш ва истиқболни аниқлаш, (Ё.Файзуллаев), Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш (Ф.Шарипов), Фан ва ўқув юртлари бош бошқармалари (Ў.Исмаилов) раҳбарлари **бир ой муддатда**:

қишлоқ оилавий поликлиникалари ва ҚВПларида фаолият кўрсатадиган тиббиёт ходимларини хизмат уй-жойи билан таъминлаш;

давлат гранти асосида таълим олган тиббиёт олий ўқув муассасалари битирувчиларини ҚВПлари ва қишлоқ оилавий поликлиникаларига 3 йилдан кам бўлмаган муддатга ишлаб бериш учун йўллаш;

қишлоқ оилавий поликлиникалари ва ҚВПлари патронаж ҳамшираларининг йўл хақи компенсациясини белгилаш ва тўлаб бериш тартиби тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлигига тақдим қилиш;

2017 йилнинг 1 июлидан туман, вилоят ва республика миқёсидаги муассасаларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан беморларни кўрикдан ўтказиш ва даволашни назарда тутувчи тартибни ҳамда **икки ой муддатда** 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб, кундузги стационари мавжуд бўлган қишлоқ оилавий поликлиникалари ва ҚВПлар фаолиятини рейтинг тизимида баҳолаш ҳамда улар томонидан аҳолига кўрсатилган тиббий хизмат кўлами ва сифатини баҳолаш асосида тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишни ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

8. Вазирликнинг Моддий-техника базасини ривожлантириш бош бошқармаси (Б.Т.Эргашев), Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари 2017-2018 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури лойиҳасига қишлоқ оилавий поликлиникалари, ҚВП бинолари, шунингдек, узоқ ва бориш қийин бўлган аҳоли пунктларида жойлашган ҚВП ва поликлиника шифокорлари яшаши учун хизмат уй-жойларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини белгиланган тартибда киритиб борсин.

9. Вазирликнинг барча таркибий тузилмалари бошлиқлари ва юрисконсульт (Р.Махаммадиев)га қайд этилган қарор талабидан келиб чиқиб, вазирликнинг буйруқларини инвентаризациядан ўтказиш, лозим бўлган тақдирда, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун вазирлик раҳбариятига киритиш вазифаси топширилсин.

10. Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **А.Шадманов**

Соғлиқни сақлаш вазирининг
2017 йил “      ” мартдаги
- сонли буйруғига илова

# Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ПҚ 2857-сонли “Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштиришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини амалга ошириш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. Меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш** | | | | | | |
| 1 | Тиббий ходимлар фаолияти натижаларини баҳолаш орқали улар меҳнатини рағбатлантириш тизимини кўзда тутувчи “Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати ва тўлиқлигини рейтинг тизимида баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш ҳамда уни 2017 йил 1 октябрдан бошлаб амалиётга тадбиқ қилиш | 2017 йил май | - | - | ДПЁТББ ИМваИАББ ҚҚР ССВ ВССБ | 1. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.<br>2. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепция ва лойиҳасини тайёрлаш.<br>3. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш.<br>4. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиш<br>5. Қарор асосида тизимни ҳудуд ларда жорий қилиш |
| 2 | Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритувчи тиббий ходимларни хизмат уйлари билан таъминлаш | 2017 йил апрель | - | - | ДПЁТББ ИМваИАББ ФваЎЮББ | Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктларида фаолият юритувчи тиббий ходимларини хизмат уйлари билан таъминлаш тартибини |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | тартибини белгиловчи Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | | | | | белгиловчи Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Молия вазирлиги ва Меҳнат вазирлигига тақдим қилиш |
| 3 | Давлат грантлари асосида тиббиёт олийгоҳларида таълим олган битирувчиларни 3 йилдан кам бўлмаган муддатга қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ишлаш учун йўллаш тартиби юзасидан Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2017 йил апрель | - | - | ФваЎЮББ<br>ДПЁТББ<br>ИМваИАББ | Тиббиёт олийгоҳлари битирувчиларини 3 йилдан кам бўлмаган муддатга қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларда ишлаш учун йўллаш тартибини жорий қилиш юзасидан Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| 4 | Давлат бюджети ҳисобидан республика, вилоят ва туман даражасидаги шифохоналарда беморларни текшириш ва даволаниш тартибини белгиловчи Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2017 йил апрель | - | - | ДПЁТББ<br>ИМваИАББ | Давлат бюджети ҳисобидан республика, вилоят ва туман даражасидаги шифохоналарда беморларни қатъий равишда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари, жумладан қишлоқ врачлик пунктлари, кўп тармоқли ва оилавий поликлиникаларнинг йўлланмасига мувофиқ текшириш ва даволанишини белгиловчи Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| 5 | Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларининг йўл харажатлари миқдорини белгилаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш | 2017 йил III чорак | - | - | ИМваИАББ<br>ДПЁТББ | Қишлоқ оилавий поликлиникалари ва қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамшираларининг йўл харажатларини қоплаш ва белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш |
| 6 | Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли | 2017 йил III чорак | - | - | ДПЁТББ<br>ИМваИАББ | Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | поликлиникаларнинг штат меъёрларини қайта кўриб чиқиш, бунда шифокор ва патронаж ҳамширанинг юклама меъёрларини қайта кўриб чиқиш ва ўрта тиббий ходимлар функционал вазифаларини қайта тақсимлашни ҳамда оилавий поликлиникалар штат меъёрларига тор соҳа мутахассисларини киритишни кўзда тутиш | | | | | поликлиникаларнинг янги штат меъёрларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| 7 | Кўп тармоқли марказий ва оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пункти фаолиятини ташкиллаштириш ва тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш жараёнидаги вазифалар ҳамда уларни амалга оширишда тиббий ходимнинг жавобгарлигини белгиловчи тартиб (регламент) ни ишлаб чиқиш | 2017 йил III чорак | - | - | ДПЁТББ ОваБМҚББ ИМваИАББ | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар базасини қайта кўриб чиқиш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг бошқа тиббий муассасалар билан узвийликдаги ҳамкорлигини белгиловчи ҳамда беморларни стационар муассасаларга режали даволаниш учун йўллаш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| 8 | Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва туман(шаҳар) марказий поликлиникаларига дори-дармон, тиббий буюмлар ва реагентларни харид қилиш учун ажратиладиган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш консолидар харидларни назарда тутувчи механизмларини ишлаб чиқиш ва | 2017 йил III чорак | - | - | ДПЁТББ ИМваИАББ | Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва туман(шаҳар) марказий поликлиникаларида тиббий хизматлар ҳажми кенгайишини назарда тутган ҳолда дори дармон, тиббий буюмлар ва реагентларни консолидар харид йўли билан сотиб олиш механизмини белгиловчи қўшма қарорни ишлаб чиқиш ва |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | амалиётга татбиқ этиш, бунда аҳолига тиббий хизматлар ва лаборатор диагностиканинг кенгайишини инобатга олиш | | | | | тасдиқлаш учун Молия вазирлигига тақдим қилиш |
| 9 | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритиладиган тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини юритиш тартибини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг сони ва ҳажмини камайтириш | 2017 йил | - | - | ДПЁТББ<br>ОваБМҚББ<br>СЭНББ<br>ИМваИАББ | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида юритилаётган тиббий ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларининг шаклларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг ҳажми ва сонини мақбуллаштириш, янги шаклларини соғлиқни Сақлаш вазирининг буйруғини тасдиқлаш |
| 10 | Мавжуд штат меъёрларига қўшимча киритиш, бунда шаҳар (Тошкент шаҳарда туман) кўп тармоқли марказий поликлиника мудирининг ўринбосари – оилавий поликлиника координатори лавозимини мавжуд умумий ходимлар сонидан келиб чиқиб киритиш | 2017 йил III чорак | 8,5 млн. сўм | Ажратилаётган бюджет маблағлари доирасида | ИМваИАББ<br>ДПЁТББ | Оилавий поликлиника координатори лавозими киритишни назарда тутган ҳолда туман (шаҳар) кўптармоқли марказий поликлиника штат меъёрини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| 11 | Етакчи давлатлар фойдаланган ва маҳаллий дори дармонлардан кенг тадбиқ қилган ҳолда асосий касалликларни диагностикаси, даволаш ва реабилитацияси бўйича клиник протоколлар (алгоритм)ларни ишлаб чиқиш ва янгилаш | 2017-2021 йй | - | - | ФваЎЮББ<br>ДПЁТББ | Асосий касалликларнинг диагностикаси ва даволаш бўйича клиник протокол ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ва тасдиқаш |
| **II. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш, касалликларни олдини олиш, эрта аниқлаш, диагностикаси ва даволашнинг замонавий услубларини ишлаб чиқиш ва кенг жорий қилиш** | | | | | | |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **12** | Демографик шароитларни инобатга олган ҳолда аҳолиси 30 мингдан зиёд бўлган шаҳарларда оилавий поликлиника тизимини босқичма босқич кенгайтириш ҳисобига шаҳар аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўламини ошириш | 2017-2020 йй. | - | - | ДПЁТББ<br>ҚҚР ССВ<br>ВССБ | Демографик шароитларни инобатга олган ҳолда аҳолиси 30 мингдан зиёд бўлган шаҳарларда оилавий поликлиникаларни ташкил қилиш |
| **13** | Бирламчи тиббий санитария-ёрдами муассасаларининг янги штат меъёрларини инобатга олган ҳолда уларни янгидан жиҳозлаш жадвалини тасдиқлаш<br>Жиҳозлаш жадвалига мувофиқ уларни босқичма-босқич тиббий асбоб ускуналар билан тўлиқ жиҳозлаш | 2017 год<br><br>2017-2021 йй. | | | МТБРББ<br>ДПЁТББ | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини янгидан жиҳозлаш жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш |
| **14** | Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги танлаб олинган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида электрон тиббий ҳужжатлар юритилишининг дастурий таъминоти юзасидан экспериментни жорий қилиш ва эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, республикадаги бошқа бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига татбиқ қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига | 2017 йил<br><br>2018 йил I чорак | 30,0 минг АҚШ долл. | ЖССТ маблағлари | ДПЁТББ<br>СваТСИ<br>УзМедИнфо<br>Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ССБ ва Тошкент шаҳар ССББ | Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги танлаб олинган бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларида электрон тиббий ҳужжатлар юритилишини дастурий таъминлаш юзасидан экспериментни жорий қилиш<br>Эксперимент натижаларидан келиб чиқиб, республикадаги бошқа бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларига татбиқ қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар тайёрлаш |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | таклифлар киритиш | | | | | |
| 15 | Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги танлаб олинган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ноинфекцион касалликлар, айниқса гипертония касаллиги, қандли диабет ва ўпканинг сурункали касалликлари хавф белгиларини 40 ёш ва ундан катта аҳолида эрта аниқлаш юзасидан скринингни жорий қилиш ва ижобий амалиётни республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам татбиқ қилиш юзасидан таклифлар киритиш .<br>Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг 3000дан кам бўлмаган тиббий ходимларини махсус курсларда ўқитиш | 2017 - 2018 гг. | 400,0 млн. сум | Ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида ХТА маблағлари | Соғлиқни сақлаш вазирлиги<br><br>ДПЁТББ<br>СваТСИ<br>УзМедИнфо<br>“Саломатлик-3”ЛАОҚБ<br>Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ССБ ва Тошкент шаҳар ССББ | Қашқадарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги танлаб олинган бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ноинфекцион касалликлар, айниқса гипертония касаллиги, қандли диабет ва ўпканинг сурункали касалликлари хавф белгиларини 40 ёш ва ундан катта аҳолида эрта аниқлаш юзасидан скринингни жорий қилиш ва республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам жорий қилиш юзасидан таклифлар киритиш .<br>Оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктларининг 3000дан кам бўлмаган тиббий ходимларини махсус курсларда ўқитиш учун ўқув дастурлари тайёрлаш ва семинарларни ўтказиш |
| 16 | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг амалиётига республика ва вилоят тиббиёт муассасалари, тиббиёт олийгоҳлари ва уларнинг клиникалари томонидан қўллаб-қувватловчи кураторлик механизмини жорий қилиш | 2017 йил II чорак<br><br>2017 - 2021 йй. | 1 697,7 млн. сўм | Ижрочилар маблағлари | ДПЁТББ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар ССББ<br>Вилоятлар ССБ | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг амалиётига республика ва вилоят тиббиёт муассасалари, тиббиёт олийгоҳлари ва уларнинг клиникалари томонидан қўллаб-қувватловчи кураторлик механизмини жорий қилиш бўйича Низомни ишлаб чиқиш,тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 17 | Аҳолининг тиббий маданиятини ҳамда фуқароларнинг ўз саломатлигига масъуллигини оширишга йўналтирилган аниқ профилактик дастурларни ўз ичига олган ижтимоий роликлар орқали соғлом турмуш тарзи асосларини фаол тарғиб қилиш | 2017 йил | 60,0 млн. сўм (ролик ишлаб чиқиш учун) | Ҳомийлар маблағлари | СваТСИ Матбуот хизмати | Аниқ профилактик дастурлар ва соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилувчи ижтимоий роликларни тайёрлаш |
| 18 | Ҳар йили тасдиқланадиган жадвалга мувофиқ ижтимоий таркибдаги, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий маданиятни оширишга қаратилган бепул SMS хабарларни тайёрлаш ва тарқатиш | 2017 йил августдан<br>доимий асосда | - | - | СваТСИ Матбуот хизмати | Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган SMS хабарларни тайёрлаш ва тарқатиш бўйича дастур ишлаб чиқиш |
| **III. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш** | | | | | | |
| 19 | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари бинолари ҳолатини қайта инвентаризациядан ўтказиш ва 2018-2021 йиллар Инвестиция дастурининг манзилли руйхатига киритиш | 2017-2021 йй. | - | - | МТБРББ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар ССББ<br>Вилоятлар ССБ | Идоралараро комиссия томонидан қишлоқ врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар биноларининг ҳолатини ўрганиб чиқиш ва таъмирлаш жоиз бўлганларини Инвестиция дастурига киритиш |
| 20 | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш, бунда:<br>126 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 180 та оилавий | 2017 йил.<br>2017-2018 | 14,7 млн. | ХТА маблағлари | МТБРББ<br>“Саломатлик-3”ЛАОҚБ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар | Оилавий поликлиникаларни босқичма-босқич замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | поликлиникаларни жиҳозланиш жадвалига мувофиқ тиббий жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш;<br>Қишлоқ врачлик пунктлари ва қишлоқ оилавий поликлиникаларини ЭКГ, лаборатор ва стерилизацион ускуналар, гинекологик, хирургик ва шифокорлик жамланмалари билан қўшимча жиҳозлаш;<br>Оилавий поликлиникаларни босқичма-босқич замонавий диагностик асбоб-ускуналар, жумладан, рентген ва УТТ аппаратлари билан таъминлаш | йй. | АҚШ долл.<br><br>2,2 млн. АҚШ долл. | | ССББ<br>Вилоятлар ССБ | |
| 21 | Иммунизация ва вакцинопрофилактика жараёнида қатнашувчи муассасаларни таъмирлаш, совуткич ва махсус автотранспорт билан таъминлаш, шунингдек, вакцинациялаш жараёнини электрон бошқариш тизимини яратиш, мутахассисларни тайёрлаш ҳамда аҳолининг эмлаш афзалликлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш | 2017-2022 йй | 17,2 млн АҚШ долл | Вакцинация ва иммунизациянинг глобал альянси (ГАВИ) | СЭНББ<br>МТБРББ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар ССББ<br>Вилоятлар ССБ | Иммунизация ва вакцинопрофилактика жараёнида қатнашувчи муассасаларни махсус автотранспорт ва совуткичларни сотиб олиш бўйича харидларни амалга ошириш. вакцинациялаш жараёнини электрон бошқариш тизимини яратиш, мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолининг эмлашнинг афзалликлари тўғрисидаги хабардорлигини ошириш |
| 22 | Қишлоқ врачлик пунктлари ва яратилаётган қишлоқ оилавий поликлиникаларида тиббий ходимлар учун шароит яратиш, бунда:<br>136 та ҚВП қошида уй жой | 2017-2019 йй | 12,3 млрд сум | Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкцияси, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш | МТБРББ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар ССББ<br>Вилоятлар ССБ | ҚВП, қишлоқ оилавий поликлиникалар биноси ҳолатини қайта ўрганиш, нуқсон далолатномаларини тузиш ва уларни мукаммал таъмирлаш, қурилиш ва реконстукция ишларини ўтказиш, |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | қуриш;<br>658 та ҚВП қошида шифокор яшаши учун шароит яратиш мақсадида босқичма-босқич мукаммал таъмирлаш;<br>ташкил қилинаётган 793 та поликлиника ва 441 та "103" шахобчаларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш;<br>"103" хизмати учун 550 дона "Дамас" русумли автотранспорт сотиб олиш | | 21,0 млрд сум<br>75,0 млрд.сўм<br>19,3 млрд.сўм | Жамғармасининг бюджетдан ташқари маблағлари | | "103" хизмати учун автотранспорт сотиб олиш |
| | **IV. Тиббий ходимларни тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш** | | | | | |
| **23** | Ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг тиббий ходимларининг дипломдан кейинги узлуксиз тиббий таълим тизими билан қамраб олиш мақсадида ташкил қилинаётган ўқув-амалиёт марказларини жиҳозлаш | 2016-2017 йй. | 3,5 млн. АҚШ долл. | ХМИ маблағлари | МТБРББ<br>“Саломатлик-3”ЛАОҚБ<br>ҚҚР ССВ<br>Тошкент шаҳар ССББ<br>Вилоятлар ССБ | Ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт марказларида ташкил қилинаётган ўқув-амалиёт марказларини жиҳозлаш жадвалини тайёрлаш, зарур асбоб-ускуналар жадвалини тайёрлаш ва уларни харид қилиш |
| **24** | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятининг муаммоли масалалари ва ташкилаштириш юзасидан мақсадли ва мавзули илмий изланишларнинг руйхатини тузиш, уларни амалга ошириш юзасидан масъулларни белгилаш ҳамда ушбу соҳада инновацион илмий | 2017-2021 йй. | | | Фва ЎЮББ | Бирламчи тиббий-санитария ёрдамининг муаммоли масалаларига қаратилган илмий изланишларни ташкил қилиш |

| № | Тадбирлар номи | Ижро муддати | Маблағ миқдори | Молиялаштириш манбаи | Ижрочилар | Ижро механизми |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | изланишларни ривожлантирувчи янги дастур ва услубларни ишлаб чиқиш | | | | | |
| **25** | Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари шифокорлари ва ўрта тиббий ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, бунда:<br>умумий амалиёт шифокорларининг масофадан малакасини ошириш ва билимини баҳолашни усулларини жорий қилиш;<br>қишлоқ врачлик пунктлари мудирлари учун бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкиллаштириш ва бошқариш бўйича махсус 72 соатли ўқув дастури ишлаб чиқиш;<br>патронаж ҳамшираларини тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув амалий дастурларни такомиллаштириш | 2017 йил<br><br>2017-2021 йй. | 318,8 млн. сўм- | Ажратилаётган бюджет маблағлари миқдорида | ФваЎЮББ | Ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;<br><br>Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббий ходимларини ўқитишни ташкиллаштириш ва амалга оширишда онлайн-технологияларни қўллаш |